

Усмонхон Алимов Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазири ўринбосари билан учрашди



15:20 / 22.01.2019 1669

Аввалроқ, «Ҳаж-2019» мавсумининг ташкилий ишларини келишиб олиш мақсадида “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши раиси Жасур Акрамов ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси Усмонхон Алимов бошчилигидаги делегация Саудия Арабистонига жўнаб кетгани ҳақида хабар берган эдик.

Кеча Ўзбекистон делегация аъзолари Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазири ўринбосари билан учрашув ўтказдилар.

Учрашувда Ҳаж-2019 мавсуми юзасидан имзоланиши лозим бўлган шартнома шартлари ўзаро муҳокама қилинди ҳамда ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.

Мазкур учрашувда томонлар ҳаж мавсумини намунали, тартибли ва энг юқори даражада ўтказиш масалаларини келишиб олишди.







Islom.uz портали таҳририяти